



## О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG‘I

20 21 yil “ 28 ” 08

№ 214

Toshkent sh.

#### **COVID-19 касаллиги билан касалланган беморлар орасида асоратларни даволашни тартибга солиш тўғрисида**

COVID-19 касаллиги билан касалланган беморлар орасида каверноз синус тромбози асоратини кўп учраётганлиги сабабли асоратларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни самарали диагностика ва даволаш мақсадида **буюраман:**

1. Коронавирус касаллигини даволашга мўлжалланган ихтисослаштирилган шифохоналар раҳбарларига: COVID-19 касаллиги билан касалланган беморлар орасида каверноз синус тромбози асорати юзага келган беморларни (катталар) диагностика ва даволаш мақсадида **Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик блокига** йўналтирилсин.

2. Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси директори (Д.Рустамова)га:

COVID-19 касаллигининг асоратларини диагностика ва даволаш мақсадида жарроҳлик блокида 20 шифо-ўринли марказ ташкил этилсин ва мавжуд штатлар доирасида оториноларинголог, нейрохирург, офтальмолог, юз-жағ жарроҳи, анестезиолог-реаниматолог мутахассисларни даволаш жараёнига жалб этилиши таъминлансин;

асоратли беморларга тиббий кўрсатмаларга кўра кардиолог, инфекционист ва бошқа мутахассисларнинг кўриги ташкил этилсин;

марказ фаолияти учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва сарфлов воситалари рўйхати **бир кун муддатда** шакллантирилсин ва вазирликка тақдим этилсин.

3. Дори воситалари ва тиббий буюмлар ва жиҳозлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдами мувофиқлаштириш бошқармаси (А.Хайдаров)га:

COVID-19 касаллигининг асоратларини даволаш ва реабилитация маркази учун зарур бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ва жиҳозлар билан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг захираси ҳисобидан ўрнатилган тартибда таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари:

COVID-19 касаллиги билан касалланган беморлар эрасида каверноз синус тромбози асорати билан учраётган беморларни (катталар) тиббий консилиум хулосаси асосида диагностика ва даволаш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг жарроҳлик блокада ташкил этилган COVID-19 касаллигининг асоратларини диагностика ва даволаш марказига йўналтирилсин.

5. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи (У.Рискиев)га:

**бир ой муддатда COVID-19 касаллигининг каверноз синус тромбози асоратини диагностика ва даволаш бўйича вақтинча қўлланма ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун тақдим этилсин.**

6. Ушбу буйруқни ижроси юзасидан назорат вазирнинг биринчи ўринбосари А. Иноятов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**



**А. Хаджибаев**